

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 109 (10.162)

2004 йил 9 июнь

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА Суратларда

● **ШАҲРИМИЗДА** БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Ички ишлар вазирлиги ҳамкорликларида уюштирилган анжуман трафика карши фаолият лойиҳаси асосида инсон савдоси билан шугулланаётганларни қонуний тарзда жозалашнинг чоратadbирларига бағишланди.

● **ЎРТА** махсус, касб-хунар таълими марказида таълим самарадорлигини оширишда икки томонлама ҳамкорлик масалаларига бағишлаб ўтказилган тadbирда маҳаллий педагоглар билан бир қаторда Германиядан келган мутахассислар ҳам иштирок этишди.

● **АЙНИ** кунларда Жанубий Кореядан келган офтальмолог шифокорлар шаҳримиз ҳамда мамлакатимиз вилоятларидаги касалхоналарда бўлишиб, кўз касалликлари билан оғриган беморларни муолажа қилиш ишларида қатнашмоқдалар, жарроҳлик операцияларини ўтказмоқдалар.

● **ШАҲРИМИЗДА** транспорт тармоғи мутахассислари иштирокида уюштирилган илмий-амалий анжуман «Транспорт-божхона секторида раҳбар ходимларнинг малакасини ошириш» деб номланди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ташаббуси билан тарбиячилар, педагоглар, руҳшунослар ҳамда дефектологлар иштирокида ташкил этилган анжуманда мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган тиббий ёрдамга муҳтож болаларни тарбиялашнинг муҳим омиллари хусусида сўз борди.

● **АЛИШЕР** Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта опера ва балет театрида мазкур санъат даргоҳида ташкил этилган Болалар студиясининг беш йиллигига бағишланган тadbир бўлиб ўтди.

● **«ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛЬ»** меҳмонхонасида Италия мустақиллиги муносабати билан ўтказилган тadbир Италиянинг юртимиздаги элчихонаси томонидан уюштирилди.

● **БАДИЙ** академиянинг Марказий кургазмалар залида ташкил этилган расмлар кургазмаси рассом Мурод Умиров ижодида бағишланди. Унда расмонинг 100 дан ортиқ асарлари намойиш этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

«Мухандис»
курулиш фирмаси
жамоасини гайрат-шижоатли, ма-
лакали бунёдкор-
лар ташкил этади.
СУРАТДА: 20
йиллик иш тажри-
басига эга бўлган
моҳир пайвандчи
Шавкат Юсупов
ҳамкасбларига
ўрнатилган
Ҳакимжон Соли-
ҳов олган сурат.



Бельгиянинг Льеж провинцияси губернатори Пол Болланд бошчилигидаги ҳайъат Ўзбекистонда бўлиб қайтди. Ҳайъат аъзолари мамлакатимиз пойтахти ва вилоятларга ташриф буюриб, ҳамюртларимиз ҳаёти билан яқиндан танишдилар, маҳаллий раҳбарлар билан учрашувлар ўтказди.

ОБИ НОН БАХТ КЕЛТИРСИН!

— Миссиямизнинг бош мақсади маҳаллий ҳокимиятлар билан яқин алоқа ўрнатиш ва ўзаро ҳамкорлик тамойилларини белгилаб олишдан иборат эди. Шунини мамнуният билан айтиш мумкинки, биз келгусидаги ҳамкорликнинг аниқ йўналишларини белгилаб олишга эришдик, — деди губернатор Пол Болланд «Жаҳон» АА муҳбири билан бўлиб ўтган суҳбатда.

Льеж провинцияси кенгаши депутати, губернатор маъмуриятида халқаро алоқаларни ривожлантириш бўйича масъул шахс Жорж Пьер куйидагиларни таъкидлади:

— Ўзбекистон ва Бельгия халқлари, айниқса, ёшларимиз бир-бирлари ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлишини истаймиз. Бундай билимлар ўзаро англаш ва ҳурмат муносабатларига катта қўмақ беради. Келгусида иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, хусусан, Льеж ва Тошкент вилоятлари савдо-саноат палаталари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйишни режалаштираямиз. Шунингдек, Самарқанд вилояти билан маданият ҳамда сайёҳлик йўналишида фаол ҳамкорлик олиб бориш ниятидамиз.

Серкүёш ўлкангиз

бўйлаб саёҳат чўқур таасурот қолдирди. Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ва самимий муносабатидан мамнун бўлдик. Китоблар ва телекўрсатувлар орқали таниш бўлган Самарқандга ташриф буюриб, тарихий ва меъморий ёдгорликлар жилосидан завқландик. Шаҳар бозорида машҳур Самарқанд нонини харид қилганимизда, бизга у бахт келтиришини айтишди. Бахт эса ўзаро самимий ришталар ривожидида ишончли замин вазифасини ўтайди!

Жамшид МУТАЛОВ,
«Жаҳон» АА,
Брюссель.

бажара бориб, муайян ютуқларни қўлга киритяпти. Жумладан, май ойида апрель ойига нисбатан 6,4 миллиард сўм кўп солиқ ва тўловлар ундирилди.

Айни вақтда ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан товар айланмасини камайитриб кўрсатиш ёки даромадларни яшириш, нақд пул тушумларини банк кассасига топширмастик, тегишли рухсатномасиз фаолият кўрсатиш ҳолатлари ҳамон учраб турибди. Шу йўналишда ўтказилган тadbирлар давомида ҳуқуқбузарларга нисбатан жами 15,8 миллиард сўмлик молиявий жарима қўлланилиб, 263 ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилди.

Давоми 2-бетда.

XXI аср Хаср

Барча мабалардан
олинган сўғит хабарлар

Мамлакатимизда

● Бугун Тошкентда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Латвия, Литва, Эстония ва Болгария мамлакатлари темир йўл транспорт бўйича кенгашнинг 38-мажлиси бошланди.

● Кеча Республика Адлия вазирлигида юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича Ўзбекистон Қонунчилигини Европа меъёрлари билан уйғунлаштириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Самарқанддаги «Ёшлар маркази»да Фридрих Эберд номидаги фонд, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан «Судьялар мустақиллиги: халқаро, хорихий ва миллий тажриба» мавзусида семинар ташкил этилди.

● Германиядаги «Фриденсдорф Интернейшнл» халқаро ташкилоти раҳбари Рональд Гененфуртнер бошчилигидаги бир гуруҳ немис шифокорлари Жиззах вилоят болалар шифохонасида бўлишиб, воҳадаги туғма ногирон болаларни тиббий кўриқдан ўтказишди.

● Самарқанд Давлат университети қошидаги академик лицейда «Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими муассасаларида физика, кимё ва биология фанларида лаборатория машғулотлари ўтказиш» мавзусида республика ўқув-тренинги бўлиб ўтди.

Жаҳонда

● Кеча АКШнинг Жоржия штатидаги Си-Айленд шаҳрида «катта саккизликка кирувчи мамлакатлар раҳбарларининг саммити бошланди».

● МАГАТЭ агентлиги раҳбари Муҳаммад Ал-Барадеининг маълум қилишича, ушбу ташкилот Эроннинг ядро дастурини ўрганиши яқин бир неча ойларга қадар тўхтаб туради.

● Италия бош вазир Сильвио Берлусконининг хабар беришича, НАТОнинг Истамбулдаги саммитида альянс аскарларининг Ироққа жўнатилиши масаласи хал этилиши мумкин.

● Расмий Сеул Америка маъмуриятига АКШнинг Жанубий Кореядаги ҳарбий контингентини қискартириш бўйича режаларини кўриб чиқишни сўраб мурожаат этди.

● Франция, Испания, Италия ва Бельгиянинг махсус хизматлари ислом террорчилиги гуруҳларига алоқадорликда гумон қилинаётган шахсларни ушлаш бўйича рейдларни бир вақтнинг ўзида бошлади.

● Кейинги йилларда Японияда 100 ёшга етган аҳолининг сони икки баравар ошди. Жумладан, 2003 йилнинг сентябрида 20 минг 561 нафар японияликнинг ёши бир асрга етди ва бу ҳозирча мутлақ жаҳон рекорди ҳисобланади.

ТўЛОВ ИНТИЗОМИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Давлат солиқ ва божхона қўмиталари ҳайъатларининг кенгайтирилган қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Президент Ислон Каримовнинг халқ депутатлари Андижон ва Сурхондарё вилоятлари кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида сўзлаган нутқларидан келиб чиқадиган вазифалар асосида тўлов интизомини мустаҳкамлаш, нақд пул тушумларини кескин кўпайтириш ва банкдан ташқари пул айланмасига барҳам бериш масалалари муҳокама этилди.

Марказий банк бошқаруви раиси Ф.Муллажонов, давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиев ва давлат божхона қўмитаси раиси Б.Матлюбовнинг шу ҳақдаги маърузалари тингланди.

Таъкидланганидек, солиқ хизмати ходимлари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар, банк муассасалари ва маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда

Иқтисодиёт

ЎЗАРО
МАНФААТЛИ
АСОСЛАРДА

Юртимизда хоржий ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли асосларда иш юритаётган кўплаб қўшма корхоналар фаолияти сезиларли ривожланиб бормоқда. «NOBAS TAPPO» Ўзбекистон—Германия қўшма корхонаси бунга ёрқин мисол бўла олади.

Мазкур корхона 2002 йилда ташкил этилган бўлиб, «NOBAS» фирмасининг энг катта корхоналаридан бири ҳисобланади — 4 та ишлаб чиқариш линияси, 18 та станцияси 1 йилда 800 километр импорт ўрнини босувчи қувурлар ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу ерда полиэфир смоладан сифатли, чидамли, рақобатбардор қувурлар ишлаб чиқарилади. Улар темир, чўян, пўлат қувурларга нисбатан энгил, мустаҳкам, эластик, зангламайди, асосийси эса 50 йилдан ортиқроқ хизмат қилади.

Қўшма корхона 1 чоракда юртимиздаги миқдорларга 1 миллион сўмлик, экспортга — Россия, Қозоғистон ҳамда Афғонистон давлатларига 13 миллион сўмлик маҳсулотлар етказиб бериш учун шартномалар тузган. Айни кунларда корхона жамоаси афғонистонлик миқдорларга қувурларни жўнатмоқда. Жаҳонга машҳур «NOBAS» фирмасининг қувурлари ўзининг кўплаб хусусиятларига эга эканлиги билан машҳур. Сув таъминоти, канализация, дренаж, кимё саноатида технология линияларида кенг қўлланилади. «DIN» (Германия), AWWA ва ASTM (АҚШ), «INI» (Италия), «JIS» (Япония), NF (Франция), GOST (Россия), МДХ давлатлари) Халқаро стандартларига мувофиқ равишда Хобас қувурлари ишлаб чиқарилмоқда.

Ушбу қувурлар ер устида, ер остида, ҳатто сув остида ўтказилганда ҳам ишчиларга қийинчилик туғдирмайди ҳамда жуда осон-пайвандловсиз уланади, демек бу қувурларни йилнинг исталган фаслида осонгина ўрнатиш мумкин.

НЕФТЬ ВА ГАЗ
САНОАТИ УЧУН

Юртимизда нефть ва газ саноати учун катта ҳажмдаги ускуна ва дастгоҳлар 70 йилдан ортиқроқ вақтдан буюб «Ўзбеккимёшазавод» очик акционерлик жамиятида ишлаб чиқарилади.

«Ўзбекнефтгаз» Миллий ҳолдинг компанияси таркибига кирувчи мазкур корхона нефть ва газ қазиб олинишида, уни қайта ишлашда, кимё, нефть кимёси, энергетика ҳамда озик-овқат технологиясида қўлланиладиган дастгоҳ ва ускуналарни тайёрлайди. Масалан, «Шуртангаз-кимё» мажмуасида филтёр, «ОН 480-18-Е-Т», «ВВН-25» туркумидаги насослар самарали ишлатилмоқда.

Шунингдек, замодан 50 йилдан ортиқ вақтдан буюб иссиқлашув ҳамда бугловчи аппаратлар ишлаб чиқарилади. «ВСД-150», «ВВД-160», «ВВД-500» туркумидаги радикал вентиляторлар, колоннали аппаратлар, дастгоҳ ва ускуналар учун эҳтиёт қисмлар ҳамда тибийёт ускуналари — «БАКС-3-01» «БА-3» барокамералари, газ узатувчи «БУГ-4» аппаратлари республика бўйлаб буюртмачиларга белгиланган мuddатларда етказиб берилмоқда.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Давоми. Боши 1-бетда.

Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш бўйича ўтказилган қисқа мuddатли текширувларнинг 97,9 фоизда қонунбузарлик ҳолати аниқланди. Тошкент шаҳрида ўтказилган 17 қисқа мuddатли текширувнинг 16 тасида қонунга зид хатти-ҳаракатлар фoш этилди. Кириш ҳужжатлари бўлмаган 15 миллион сўмлик товар-моддий бойликлар олиб қўйилди ва ҳуқуқбузарларга нисбатан 242,2 миллион сўм молиявий жарима қўлланилди.

Яширин иқтисодиётга қарши кураш қўламини кенгайтириш, рўйхатдан ўтмай фаолият юритаётган субъектларга барҳам беришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Олиб борилган тадбирлар натижасида 991 шундай субъект аниқланди. Уларнинг 37 таси инсон саломатлигига ҳаф тугдириши мумкин бўлган қўлбола алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланаётганлиги маълум бўлди, Жорий йилнинг ўтган даврида савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида ўтказилган хронометраж ва мониторинглар натижасида нақд пул тушумининг 5,5 миллиард сўмга ошишига эришилди.

Афсуски, бундай тадбирларни мунтазам ўтказиб боришга етарлича эътибор берилмапти. Масалан, Андижон вилоятининг Балиқчи, Бўз, Избоскан ва Пахтаобод туманларида ўтган ойларида 11 объектда мониторинг ўтказилган, ҳолос. Ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ ва Эллик-

қалъа туманларида бор-йўғи бир-икита шундай тадбир ўтказилган.

Инкассация гуруҳларига бириктирилган солиқ ходимлари фаолиятини ҳам қониқарли деб бўлмади. Улар айрим ҳолларда инкассация йўналишига умуман чиқмаётганини кузатиш мумкин. Бу ҳол эса нақд пул муомаласини тартибга солиш борасида ҳуқуқатимиз белгиланган вазифалар маҳаллий ҳокимликлар, тегишли мутасадди вазирлик ва идоралар томонида етарлича бажарилмаётганини кўрсатади.

ТўЛОВ ИНТИЗОМИНИ
МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Тушумларни назорат қасса машиналарига кириш қилмаётган ёки банкка тўлиқ топширмаётган субъектларнинг савдо фаолиятини тўхтатиш бўйича солиқ идоралари томонидан жорий йилнинг январь-апрель ойларида ҳокимликларга 3315 ҳолат юзасидан киритилган тақдимномаларнинг фақат 35 фоизи бўйича чора қўрилгани ҳам оқоридаги фикрни тасдиқлайди.

Мажлисада аҳолига биринчи даража тўловлар бўйича мавжуд қардорликни қисқартириш, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни қўлайтириш борасида пластик қарточкаларни кенг жорий қилиш лозимлиги масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бу йўналишда қатор ҳудудларда олиб борилган ишлар талаб даражасида эмаслиги айтиб ўтилди.

Аниқланаётган бундай ҳолларга барҳам бериш, ҳуқуқатимиз томони-

дан қўйилаётган вазифаларни бажариш борасида банк муассасалари, солиқ ва божхона хизмати ходимлари ўзаро ҳамкорликни кучайтиришлари зарурлиги алоҳида таъкидланди. Бу борада Давлат солиқ ва божхона қўмиталари, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Марказий банк ходимлари дан ишчи гуруҳ тузиш ва улар зиммасига доимий мониторинг юритиш вазифасини юклаш мақсадга мувофиқлиги айтилди.

Аҳолининг ҳарид учун чекларни талаб қилиб олишларини рағбатлантириш, контрабанда товарлари билан қўлга тушган савдо ташкилоти ёки тадбиркорни савдо сотиқ ишларидан муайян мuddатга четлатиш, нақд пул муомаласи ва савдо қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш, нақд пул тушумлари қўлайтириш таъминлаш ва профилактика ишларини кучайтириш юзасидан амалий тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Шунингдек, мажлисада зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширишда сусткашликка йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан интизоми чоралар қўрилди. Ярим йиллик прогноз кўрсаткичлари ва нақд пул тушумини тўла таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Мажлисада Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Т.Худойбергенов, С.Рахимов, Бош вазир ўринбосари Р.Азимов иштирок этди.

ЎЗА

КОМПЬЮТЕР
КАРОАТ БЕРАДИ

Мустақил экспертлар илмий кадрларни аттестациядан ўтказиш ва уларнинг тадқиқотларини объектив баҳолашнинг Ўзбекистонда барпо этилган механизмининг МДХ мамлакатларида энг самарали ҳисоблашмоқда. Ҳозирда уни шакллантириш давом эттирилмоқда.

Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссияси томонидан жорий этилган — тадқиқотчи томонидан илмий даража учун тақдим этилган тажриба тадқиқотлари натижалари дастлабки материални статистик ишловдан ўтказиш сўнги янгилликлардан ҳисобланади.

Маълумки, ҳар бир илмий ишнинг негизида ахборот ва рақамли маълумотлар ётади ва улар кейин таҳлил этилади. Уларни таҳлил этишда маълумотларнинг аниқлиги ва тўғрилигини текшириш баъзан қийин кеңади. Эндикда муаллиф томонидан баён қилинган тажрибаларнинг натижалари ҳақиқийлигини компьютер баҳолайди.

Янги компьютер дастури ОАК мутахассислари томонидан барпо этилди. Унинг ёрдамида ЭХМ бир неча дақиқа ичида барча маълумотларни қайтадан ҳисоблаб чиқади ва қисқайтади. Олинган натижаларнинг муаллиф маълумотлари билан катта аниқликда мос келиши илмий ишнинг тўғри бажарилганлигини тасдиқлайди. Шунга мувофиқ қилинган илмий ҳулосалар тажрибада ўз тасдиғини топди.

Диққатга сазовор жойи шундаки, диссертацияни баҳолашнинг бундай шаклини нафақат техника, тибийёт, иқтисодиёт ва табиий фанлар, балки педагогика, социология, фалсафа ва фаннинг бошқа соҳаларида ҳам бемалол қўллаш мумкин. Бунинг татбиқ этилиши рақамлар ва фактларни сохталантириб, қийналмасдан илмий даража

олишга уринувчи кимсаларнинг йўлига ғов қўяди. Эндикда ҳар бир тадқиқотчи ўз ишида тажрибалар ўтказиш ва статистика маълумотларини ишлашда замонвий илмий усуллардан фойдаланишга мажбур бўлади.

Бу Олий аттестация комиссияси томонидан кейинги йилларда амалиётга жорий этилган ягона янгиллик эмас. Илмий ишларнинг янгиллиги ва оригиналликни аниқлашда компьютер экспертизаси муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. ЭХМ илмий ишни республикамизда ҳимоя қилинган диссертациялар билан қиёслади. Бундан ташқари, диссертацияларга тақриз қилиш мафийлиги автоматлаштирилган тизими жорий этилди. Компьютер тақризчини нафақат илм оламидаги рейтинг, балки тор ихтисос бўйича илм даражасини ҳисобга олган ҳолда таллайди. Бунда эксперт билим даражаси тақдим этилаётган диссертация мавзига мос келиши ҳисобга олинади. Қайд этиш кераки, ОАК мутахассислари томонидан яратилган дастурий маҳсулотлар Давлат патент идорасидан муаллифлик ҳуқуқдорликларини олган.


Диссертация ишларини баҳолашнинг компьютерлаштирилганлиги ушбу жараёнларда субъектив омиларни мумкин даражада камайтириш имконини беради. Бу ҳимояга тақдим этилаётган диссертацияларнинг сифатини яхшилашда мумкин аҳамият касб этади, илмий тадқиқотларни рағбатлантиради.

А.АЗИМОВ,
«Туркистон-пресс»

Кундан кунга чирой оқаётган шахримизга замонвий бинолар, салобатли иншоотлар, мустаҳкам кўприк ва раво йўللар билан бирга, айниқса ёзининг иссиқ кунларида хилокор фавворалар ҳам кўркамлик бағишлайди.

Бунёдкорлик

ФАВВОРА ҚАД РОСТЛАДИ



Айни кунларда бир-бирини тақдорламайдиган фаввораларимиз сони яна биттага қўпайди. Хадемай у зинининг ёқимли сув томчиларини атрофга таратиб, тамирчиларнинг ҳодимлари томонидан амалга оширилди. Шуниси эътиборлики, ўртадаги энг катта фавворадан сув 10 метрга, атрофдаги фавворалардан эса 4,5 метр баландликка отилиб, 4 хил рангда товланиш беради. Энг муҳими эса майдон чиройини янада оширувчи ушбу объект, барчага бирдек ҳузур бағишлайди.

Фаввора қисқа мuddатларда бунёд этилиб, ён-атрофидаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам ободонлаштириш ходимлари томонидан амалга оширилди. Шуниси эътиборлики, ўртадаги энг катта фавворадан сув 10 метрга, атрофдаги фавворалардан эса 4,5 метр баландликка отилиб, 4 хил рангда товланиш беради. Энг муҳими эса майдон чиройини янада оширувчи ушбу объект, барчага бирдек ҳузур бағишлайди.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТДА: фавворани бунёд этишда фаол қатнашган бунёдкорлар.

Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.

Тиббиёт

«ЖОЗИБАДОР
ТАБАССУМ»
ДАСТУРИ

«Соғлом авлод» дастурини амалга оширишда тиш докторлари ҳам фалоллик кўрсатмоқдалар. Оғиз гигиенаси ва стоматологик касалликлар профилактикаси йўналишида кўрилатган тиббий тадбирлар ҳам муҳим муолажавий аҳамият касб этмоқда.

Ушбу дастурда бошлангич синф ўқувчилари ҳам қатнашаётганликлари эътиборга лойиқдир. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон стоматологлар уюшмаси саъй-ҳаракати билан болалардаги тиш касалликларининг олдини олиш режалари ишлаб чиқилди.

«Жозибатор табассум» дастури бўйича ўтказилган танловда ўқувчилар оғиз гигиенасига доир мавзуларда чизган расмлари билан қатнашдилар.

«НУРОНИЙ»-
ДАН
КАРИЯЛАР
МАМНУН

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида жойлашган «Нуронийлар оромгоҳи» шифохонасида амалга оширилаётган тиббий муолажалар кўпгина беморлар дардида малҳам бўлмоқда.

Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси тизимидаги мазкур шифобахш даргоҳ очилганига ўн йилдан ошди. Шу орада унинг моддий-техник негизи мустаҳкамланиб, даволанувчиларга қатор қулайликлар муҳайё қилинди.

Ҳозир бу ерда геронтология маркази ҳам ишлаб турибди. Кардиология бўлими эса энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар ва препаратларга эга бўлди.

МАРКАЗДА
ЯНГИ
ЛАБОРАТО-
РИЯ

Тошкент Давлат фармацевтика институтида доривор воситаларни стандартлаштириш илмий маркази ташкил топди.

Энг замонавий аппаратлар билан таъминланган бу марказ фармако-токсикологик тадқиқотлар ўтказиш билан бирга янги доривор препаратларни амалиётда қўллаш билан ҳам шуғулланмоқда. Шу йўналишда меъёрий-техник ҳужжатлар лойиҳалари ҳам яратилди.

Марказ ҳудудида замонавий лаборатория ҳам юзага келди. Олий ўқув юрти билан «Фортек» немис компанияси ҳамкорлигида очилган бу лаборатория таблеткалар технологияси масалалари билан ҳам шуғуллана бошлади.

Ақбар АЛИЕВ

САЁХАТ ҚИСКА БЎЛСА ҲАМ...

Буюк Британиянинг нуфузли газета ва журналлари вакиллари Ўзбекистон бўйлаб саёхатда бўлдилар. Улар кўҳна шаҳарларимиз Самарқанд ва Бухорога ташриф буюриб, бу ердаги қадимий ёдгорликлар, бетакрор анъаналар ва ҳаюртларимизнинг бугунги ҳаёти билан яқиндан танишдилар.

Журналистлар Буюк Британияга қайтгач, мамлакатимизга саёхат таассуротларини ўқувчилар эътиборига ҳавола қилишди.

Таниқли «Обсервер» газетаси муҳбири Жеймс Флинт ўзи учун ўзбек халқининг бой урф-одатлари ва анъаналари, тарихий-меъморчилик ёдгорликларини янгидан кашф этганини таъкидлайди. Муаллиф «Амир Темур ҳузурига Ипак йўли бўйлаб» номли мақолада саёхатнинг қисқа бўлганлигидан афсусланиб, келгусида мамлакатимизга яна келиш умидида эканини ёзади ва Ўзбекистонни тез орада сайёҳлар интилиб ашайдиган сеvimли масканга айланишига ишонч билдиради.

Англиянинг «Метро магазин» газетаси муҳарири Киеран Миике «Гўзалликка элтувчи йўл бўйлаб» номли мақолада ўзбек халқининг бебахо меъморчилик обидалари ва ўзига хос маданиятидан олган таассуротларини изҳор қилиш билан бир қаторда, Ўзбекистоннинг минтақада тугган нуфузи ҳақида тўхталиб, қуйидагиларни ёзади: «...бугунги кунда Ўзбекистон гивванд моддаларининг ноқонуний савдосига қарши курашда халқро ҳамжамиятнинг таянч нуқтасига айланган. Марказий Осиёнинг ушбу давлати халқро терроризмга қарши курашда АҚШга ўз авиабазасидан фойдаланиш имкониятини берди».

«Жаҳон» АА

«Ўзбекино» Миллий агентлиги Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда «Ўзбекистон кинематографияси: ривожланиш тамойиллари ва истиқболлари» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказди.

МИЛЛИЙ КИНОМИЗ ИСТИҚБОЛИ

Анжуманда сўзга чиққанлар халқимизнинг миллий менталитетига мос, бадий пухта фильмлар яратилаётганини таъкидладилар.

«Осмондаги болалар», «Дев билан пакана», «Дард» каби фильмлар нафақат юртимизда, балки халқро киноанжуманларда ҳам муваффақият қозонаётгани бунинг далилидир.

Кино санъатининг халқимиз

ҳаётидаги, айниқса, ёшлар тарбиясидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, гоъий-бадий савиясини ошириш бугунги кундаги энг муҳим вазифалардан биридир.

Президентимизнинг кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштиришга оид фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекино» Миллий агентлиги фаолиятини ташкил

этишга оид қарори айни шу мақсадга қаратилган.

Анжуманда миллий кинодраматургия муаммолари, мустақиллик даври ўзбек бадий киноси, мультфильм яратишдаги изланишлар, телевидение билан бадий кинонинг ўзаро боғлиқ жиҳатлари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири



Дилдан қувнаб яйраймиз,
Ватан мадҳин қуйлаймиз.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ҚАРОР ТОПИШИ ИҚТИСОДИЁТИМИЗДА ТУБ ЎЗГАРИШЛАРГА ОЛИБ КЕЛДИ. ЖУМЛАДАН, БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ФАОЛ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИДАН БИРИ БЎЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР БОЗОРИ ВУЖУДГА КЕЛДИ. ИНВЕСТИЦИЯЛАР БОЗОРИ, БУ — ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИНИ ЧИҚАРИШ, УЛАРНИНГ МУОМАЛАДА БЎЛИШИ ВА СЎНДИРИЛИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИДИР.

Республикада бозор муносабатларининг қарор топиши иқтисодиётимизда туб ўзгаришларга олиб келди. Жумладан, бозор иқтисодиётининг фаол таркибий қисмларидан бири бўлган инвестициялар бозори вужудга келди. Инвестициялар бозори, бу — жисмоний ва юридик шахсларнинг қимматли қоғозларини чикариш, уларнинг муомалада бўлиши ва сўндирилиши билан боғлиқ муносабатлар тизимидир.

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР
БОЗОРИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАР

Инвестициялар бозорида инвестиция муассасалари фаол ўринни эгаллайди. Инвестиция муассасалари, бу — қимматли қоғозлар билан ўз асосий фаолиятини амалга оширувчи қимматли қоғозлар ва инвестициялар бозорининг профессионал иштирокчиларидир. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидагилар инвестиция муассасаси бўлиши мумкин: инвестиция воситачилари, инвестиция маслаҳатчилари, инвестиция компаниялари, инвестиция фондлари, реестр

сақловчилар, депозитарийлар, ҳисобкитоб-клиринг ташкилотлари, бошқарув компаниялари ҳамда қимматли қоғозларнинг номинал эгалари.

Бозор иқтисодиётига асосланган иқтисодиётни инвестициялар оқимисиз, яъни инвестициялар бозорисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Тегишли механизмлар яратилган бўлса, инвестициялар бозори орқали мамлакатга янги техника-технология ва валюта оқими кириб келади.

Инвестициялар бозори ҳамда қимматли қоғозлар бозорларида ҳам тижорат

МЕҲРИБОНЛИК
УЙИГА
МУСАВВИРЛАР
ТУҲҒАСИ

Илгари хабар берилганидек Тошкентдаги 31-Меҳрибонлик уйига тасвирий санъатнинг амалий-декоратив жанри ижодкорлари томонидан яратилган эллиқдан зиёд асарлар тақдим этилди.

Ўзбекистон Бадий академияси аъзолари, расом ва ҳайкалтарошлар ўзлари яратган санъат асарларини мазкур Меҳрибонлик уйига туҳфа этишди. Зеро, санъатга ошuftа кўнгилдан асло ёмонлик чиқмайди.

Тадбир сўнгида тарбияланувчилар меҳмонларга ўз концерт дастурларини намойиш этишди.

ШАХСИЙ
КЎРГАЗМА

Республика Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида Мурод Умаровнинг шахсий кўргазмаси очилди.

Ўзбекистон Бадий академиясининг аъзоси Мурод Умаров кўпгина республика ва халқро кўргазмалар иштирокчиси ҳисобланади. Расом яратган асарлар айни пайтда Андижон ўлкашунослик музейида, Тошкент ва Бишкек санъат музейларида сақланмоқда. Кўргазмада расомнинг юзга яқин асарлари намойиш этилмоқда.

— Кўргазмада намойиш этаётган асарларим орқали томошабинга юртимиз гўзаллигини оддий тошлар ва ранглар билан кўрсатишга ҳаракат қилганман, — деди расом. — Бундан ташқари, самимий, соддадил инсонлар образи оддий бўёқларда акс эттирилган.

Кўргазманинг очилиш маросимида мусаввир Мурод Умаровга Ўзбекистон Бадий академиясининг махсус дипломи топширилди.

Инобат ЭГАМҚУЛОВА,
«Туркистон-пресс»

асосида фаолият юритувчи ташкилотлар мавжуд. Ушбу муассасалардан бири инвестиция фондлари ҳисобланади ва уларнинг роли каттадир. Инвестиция фондлари ўз маблағларини инвестицияларга йўналтиришни хоҳловчи инвесторларнинг келажакда режалаштирилган даромадидан йўқотишларга олиб келмаслиги учун самарали тармоқларга инвестицияларни киритади.

Ривожланган мамлакатларда ҳам инвестиция фондлари турлича кўринишда, лекин бир хил мақсадни кўзлаб ҳолда фаолият юритади. Республикада ҳам ривожланган мамлакатларнинг тажрибасидан фойдаланган ҳолда инвестиция фондлари ташкил этилди. Ҳозирда 6 та инвестиция фондлари фаолият кўрсатмоқда.

Умуман олганда республикада қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш босқичидалигини ҳисобга олганда, уларнинг фаолияти самаралидир.

Лазиз АЛЛОНАЗАРОВ,
Тошкент Молия институти
2-курс магистранти

Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ ҲАҚИДА ДОМО БУЛУ...

• Нодон дўстандан кўра, ёлғизлик яхши. У дўст бўла туриб шундай кунларни бошга соладики, кейин душман чангалдан қочиб қутулолмайсан.

• Сўраб-суриштирмай ҳар қандай одам билан дўстлашган кишининг ўзи нодон.

• Заиф, кўрқок, алдамчи дўстандан душман афзал.

КИССА. Туя билан тулки ҳар ишда ҳамдам ва ҳамдард бўлишга аҳд-паймон қилишди. Бир кун тулки ўзича ов қилиб юрган экан оч шерга дуч келиб қолибди. Шер унга ташланмоқчи бўлиб турганда тулки унга ёлворибди:

— Эй ҳайвонлар бобоси, шафқат қилинг, мен сизга яқин орада юрган азиз дўстим туяни кўрсатаман. У басавлат, сергўшт, мен эса бир кичик озгин нотавон махлуқман.

Шер дебди: — Аввал сени даф қиламан, кейин дўстингни тутиб ейман.

Шер ташланиб, тулкини бурдалаб эбди, сўнг туяни топиб уни ҳам ҳалок этдиби.

КИССА. Дўст танлашда шовилмаслик керак, аввал уни синаб, сўнг эътиمود этмоқ даркор. Ўзингиз ҳам дўстлик ипларини бевафолик, ғаддорлик болтаси билан узманг. Илло, сизнинг бошингизга ҳам хийлар тулкининг кунни тушаман.

Байт:
Кимки дўстликни хор айлабди, уни — Қисмат жазолабди — чиқиб тутуни.

• Тўғри йўлдан юрган одам номусли, берган ваъдасида қаттиқ турувчи бўлади. Ҳеч кимни алдамайди. Тўғрилиқдан ажралмайди, тўғрилиқнинг энг улуғ фазилат эканини биледи.

• Фазилатли, олижаноб одам фақат ўз фойдасинигина кўзламайди. Халқ манфаати учун ҳам хизмат қилади. Ҳеч кимга зиён-заҳмат етказмайди.

ҲИКОЯТ. Бир донишманддан:

— Қайси айб, ярамас одат ҳамма яхши хунарни ёпиб қўяди? — деб сўрадилар.

— Бахиллик, — деб жавоб берди донишманд.

Яна сўрадилар:

— Қайси яхши хунар ҳамма айбини босади?

— Сахийлик, — деди донишманд.

ҲИКОЯТ. Анушервоннинг бир хизматчиси унинг ёнида бир кишини ёмонлади. Анушервон у чақимчига:

— У киши ҳақида айтганларингни яхшилаб текшираман. Агар тўғри сўзлаган бўлсанг, чақимчи бўлганинг учун сендан нафратланаман, сени душманам деб биламан. Ёлгон сўзлаган бўлсанг, жазо бераман, чақимчиликдан тавба қилсанг, кечираман, — деди.

Хизматчи чақимчиликдан тавба қилди. Анушервон унинг гуноҳини кечирди.

Байт:
Гар чақимчи ўз ишидан урса дам, Қудратинг етса тилани қилтигил қалам.

• Дилим ранжимасин десанг, гийбатчи бўлма.

• Гийбат — юракнинг безовта касали. У қалбимизни яраладиган мудҳиш оғудир.

• Кишилар ҳаловатига гийбатчиликдек зарар келтиришдан иллат йўқдир, зеро бу касалга учраганлар нафақат ўзларини кийнашди, балки ўзгалар қувончига ҳам раҳна соладилар.

Назм гулшани

ОЛЛОҲДАН ТИЛА

Меҳр йили юртимизда, мурувват ила
Не ниятинг бор, эй инсон, Оллоҳдан тила.
Чин юракдан тиласанг Оллоҳим бергай,
Виждони пок, иймони бут бандасин севгай.

Адаштирама тўғри йўлда юрган инсонни,
Қалба асра Оллоҳ номин, дину иймонни.

ҚАЛБ НИДОСИ

(азиз фарзандларимизга)

Тарихингга назар сол,
Аждодинг ким билиб ол.
Улар эл деб яшаган,
Юрт аро обрў олган.

Навоийдек бобонг бор,
Ҳар бир иши элга ёр.
Халқим деб сурган қалам
Ҳар мисраси-бир олам.

Улуғбек бобонг тун-кун,
Заҳмат чеккан фан учун.
Ўрганиб юлдузларини
Очган осмон сирларини.

Темур бобо Ватанин,
Халос этган ғанимдин.
Шиори ҳақ, адолат,
Қурган буюк салтанат.

Сен шу зотлар фарзанди,
Улуғларнинг дилбанди.
Буни асло унутма,
Нодонлик йўлин тутма.

Юртбошимиз хўб айтди:
Ҳозир фикрлаш пайти.
Ўқи, ўрган, фикрла
Дўстинг, тенгдошинг бирла

Жабр қилма бегуноҳга, кийноққа қўйма,
Борар еринг унутмагил, бу ҳақда ўйла.

Элда ҳурмат топмоқ бўлсанг унга фидо бўл,
Эзгуликка чорлагувчи давлат, нидо бўл,
Элим дея, юртим дея яша ҳар қачон,
Дуоларга қўмилгайсан, шунда эй инсон.

Ҳеч ким мангу қолиб кетмас фоний ҳаётда,
Умр бўйи юрмагайсан амалда, отда.
Бу дунёда бўлсанг агар фидоий элга
«Жойинг жаннат бўлсин» дебон қўярлар ерга.

Адашмасдан йўлингдан,
Не иш келса қўлингдан —
Ватанингга атагил,
Уй қур, қўчат қадагил...

Фақат ғаним сўзига
Кирма, тушиб қўлига —
Гул ҳаётинг сўндирма,
Ота-онанг куйдирма.

Ўйла, халқингни ўйла,
Одамийликни қўйма...

**Абдували
ГУЛОММАҲМУДОВ,
техника фанлари доктори**

Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси томонидан 2002 йил 6 майда қабул қилинган 154-сонли «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарорни ҳам Республика иқтисодий тартибга солиш ва олиб кириладиган товарларни тартибга солиш ва ички бозорни ҳимоя қилиш бора-сида қўйилган муҳим қаламлардан бири деб ҳисоблаймиз. Ушбу қарорнинг асосий мақсади Республика ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш, келтириладиган юкларни божхонада расмийлаштириш тартибини соддалаштириш ва ўзимизнинг ишлаб чиқарувчиларни ёки бир сўз билан айтганда ички бозорни ҳимоя қилишидир.

Асида қонулар, қарорлар ва Фармонлар халқ манфаатини кўзлаб қабул қилинади. Очиғини айтиш керак, Вази́рлар Маҳкамасининг 154-сонли қарорининг мазмун-моҳияти ва мақсадини айрим тadbиркорлар ҳамда савдо ходимлари тўғри тушуниб етишмаяпти ёки уни бошқача таъкид етишмоқда.

Ушбу қарорнинг 1-бандида тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахсларни юридик шахс ташкил этмасдан экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш, улгуржи ва чакана савдо қилиш ҳуқуқи билан яқка тартибдаги тadbиркорлар сифатида белгиланган тартибда мажбурий рўйхатдан ўтказиш белгилаб қўйилган.

Шунингдек, рўйхатдан ўтган жисмоний шахс томонидан олиб келинган товарларни сотиш Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганлиги ва божхона тўловлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирдагина амалга оширилади, деб қайд этилган. Бундан кўринадики, қарорда биринчидан четдан олиб келинаётган товарларни божхонада расмийлаштириш тартиби соддалаштирилган. Иккинчидан, аҳоли соғлигини муҳофаз қилиш ҳам кўзда тутилган. Шунингдек, илгари олиб кирилган товарлар учун божхона бож, мажбурий йўл, қўшимча қўйимат солиғи ва божхона расмийлаштириш ҳақлари алоҳида-алоҳида тўланиши лозим эди. Энди мазкур қарорга мувофиқ фақат битта ягона божхона тўлови тўланади ва бу тўлов олдингисидан бир мунча пастдир.

Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмай, юридик шахс мақомига эга бўлмаган чакана савдо ходимлари четдан-улгуржи савдо бозорларидан келтириладиган жулда кўп миқдордаги озиқ-овқат ва ноозиқ оқват маҳсулотларининг сифат сертификатлари йўқлиги бутунги кунда олиб бориладиган тезкор тadbирлар жараёнида аниқланмоқда. Шу билан бирга божхона масканларини четлаб

ўтиб, турли хил қинғир ва ноқонуний йўллар билан товарлар олиб келаётган шахслар ҳам кўзлаб учрамоқда. Бу ҳолатларнинг хавфли томони шундаки, озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олаётган фуқароларимизнинг саломатлигига катта путур етмоқда. Бу қарор эса юқоридоғи салбий ҳолатларга чек қўяди. Давлатимизда иқтисодий ислохотлар амалга ошириладиган, инсон саломатлигига эътибор берилётган бир пайтда бу қарор жуदा ҳам муҳимдир. Чунки халқ соғлом бўлса, шак-шубҳасиз юртимиз ривож топади, обод ва фойзли гўшага айланади.

Собир Раҳимов туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютата оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходимлари томо-

Лекин суд судланувчилар ва гувоҳ ҳамда ҳолисларнинг берган кўргазмалари, иш ҳужжатлари ва бошқа расмий ҳужжатлар билан танишиб, уларни айбдор деб топди. Уларнинг қилишларини пушаймонликлари, солир этган жиноятнинг ижтимоий хавфсизлик даражасини, уларнинг шахсини, муқаддам судланмаганлигини ҳамда оилавий аҳоли ва қарамонда вояга етмаган фарзандлари борлигини инобатга олиб жарима жазосини тайинлади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ноқонуний йўллар билан олиб кирилган маҳсулотларни ва ушбу товарларни ташишда фойдаланилган «Газель» машинасини ҳам давлат эгаллига ўтказишликни лозим топди.

Бўлим ходимлари томонидан ҳозирги кунда асосий эътибор Вази́рлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарорининг мазмун-моҳияти юзасидан кенг омма ва тadbиркорлар ўртасида профилактика ва тарғибот ишларига қаратилмоқда.

Хулоса ўрнида шунни айтмоқчимизки, айрим қўштирноқ ичигади тadbиркорлар турли хил қинғир йўллар билан ўзларининг ноқонуний фаолиятини давом эттиришсинлар, улар барбир қонунда белгиланган жавобгарликдан қутулолмайдилар. Эртами-кечми барбир улар қонун олдига жавоб берадилар ва ўзларининг хатти-ҳаракатлари жамият учун қанчалик даражада хавфли эканлигини англаб етдилар.

Шу ўринда савол туғилади. Бу каби ҳолатларга тушиб қолмаслик учун нима қилмоқ керак? Тadbиркор авваламбор ўзининг савдо фаолиятини тўғри йўлга қўйиб, «ички бозорни бойитиш орқали ҳалол пул топаман», деган эзгу ниятни ўз олдига мақсад қилган ҳолда, чет элдан олиб келаётган турли хил товарларни божхонада тўлиқ расмийлаштирса, керакли божхона тўловини тўласа бас. Сўнгра бемалол ўзининг савдо фаолиятини давом эттириши мумкин.

Бизнинг тadbиркорларга қўйилган талабимиз ҳам, илтимосимиз ҳам шундан иборатки, агарда Сизлар Республикаимиз ҳудудига турли хил ўзингизга маълум бўлган ноқонуний йўллар орқали товар олиб кирган бўлсангиз, зудлик билан божхона тўловини тўланг. Акс ҳолда ушбу ҳолатлар текширув жараёнида аниқланса, унда Сиз қонун олдига жавоб берасиз, қонун эса ҳамма учун баробар. Қўнунбузарга жазо муқаррар.

**Ҳамдам ҲУДОЙБЕРГЕНОВ,
Собир Раҳимов туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютата оид жиноятларга қарши курашиш бўлими бошлиғи ўринбосари**

Қарор ва ижро

ТЕКШИРУВ ЖАРАЁНИДА АНИҚЛАНДИ

Бутунги кунда давлат томонидан иқтисодий тартибга солиш ва ички бозорни ҳимоя қилиш, сохта тadbиркорларнинг гайриқонуний ҳаракатларини тартибга солиш мақсадида тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикасида ҳам Мустақилликнинг биринчи кунларидаёқ мамлакатнинг ривожланишида иқтисоднинг сивасатдан устулиги ва ўтиш жараёнида давлатнинг бош ислохотчи эканлиги белгилаб олинди.

нидан тadbиркор ниқоби остидаги сохта тadbиркорлар фаолиятига чек қўйиш, иқтисодиётни, ҳусусан ички ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ички бозорни турли хил сифатсиз чет эл маҳсулотларидан ҳимоя қилиш, тadbиркорларнинг гайриқонуний ҳаракатларини тартибга солиш ва Вази́рлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ўтказилётган тadbирлар натижасида кўзлаб қонунбузарлик ҳолатлари аниқланмоқда.

Жумладан, туман ҳудудига Келес йўлпатруль масканига милиция ва божхона ходимлари билан ўтказилган ҳамкорликдаги тadbирда «Газель» русумли, давлат рақами Х 445 KUM бўлган автомашина тўхтатилиб, текширилганда ушбу автоулов Қозғистон Республикаси фуқароси Комилжон Джанибеков бошқарувида эканлиги, автомашина кўздан кечирилганда эса, унда ҳеч қандай ҳужжатларга эга бўлмаган, чет элдан ишлаб чиқарилган озиқ-овқат, канцелярия, кийим-кечак ва спирт маҳсулотлари борлиги аниқланди.

Текширув жараёнида ушбу маҳсулотлар қиймати 2,5 миллион сўмга яқин бўлиб, Қозғистон Республикаси фуқароси Тамара Юлшаевага тегишли эканлиги маълум бўлди.

Ушбу ҳолат юзасидан ўтказилган суриштирув ва тергов жараёнида қонунбузарлар гўёки, бу товарлар уларга тегишли эмаслигини айтиб айбларини ҳаспўшмамоқчи бўлишди.

Биласизми?

**ЕРНИ БОКСАНГ
У СЕНИ БОКАДИ**

Бизга маълум бўлган жамики тирик мавжудот яшайдиган макон ердир. Ер ҳақида гапирганда кўз олдимизга тупроқ, сув, тоғу тош ва уларда яшайдиган жамики мавжудот келади.

Мустақиллигимиздан кейин ердан олиннадиган фойда ва зарар ҳақида кўпгина олимларимиз изланишлар олиб бормоқдалар. Машҳур иқтисодчи Уильям Петти айтганидек: «Бойликнинг отаси меҳнат бўлса, ер — онасидир». Лекин, ота-боболаримиз айтганидек: «Беш кўлни оғизга барабар тикмаслик керак. Акс ҳолда у салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бунинг исботи тарихида Иттифок даврида ердан кўпроқ ва яна кўпроқ фойда олиш мақсадида, ерга ҳар хил минерал ўғитлар солинди. Оқибатда еримиз фақат ўша минералларни қабул қилгандан сунггина ҳосил берадиган бўлиб қолди.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, дастлаб табиий бойликлар оддий истеъмол қилинган. Сўнг одам ҳаёт воситаларининг табиий манбааларидан фойдаланишга ўтди. Шу жараёнлар табиий муҳитни қайта қуришга олиб кела бошлади. Шундай фаолият натижасида одам маълум бир биологик тур сифатида яшаб келди ва бошқа тирик жониворлардан фарқ қилиб, меҳнат куролларини тайёрлаш, моддий ва маданий бойликларни тўплаш масаласини ҳосил қилди, атроф-муҳитни мақсадга мувофиқ ўзгартира бошлади. Агар ўзи яратилмагунга қадар ҳосил қилинмаган сунъий манбаларни яратмаганда, инсон онгли мавжудот бўла олмас эди. Оқибатда одам томонидан хилма-хил моддий ва маданий предметлар, қайта ўзгартирилган ландшафтлар ва маданийлаштирилган ўсимлик ва ҳайвонларни ўз ичига олган сунъий ҳаёт муҳити шаклланди.

Инсон ўзининг ҳўжалик фаолиятида ландшафт «ойнаси» ҳисобланган тупроқ қопламига салбий таъсир этиб, унинг унумдорлигини камайтириб, турли ҳудудларда ҳосилдор ерларни камайиб кетишига сабабчи бўлди. Инсоният тарихи давомида 2 миллиард гектардан ортик унумдор тупроқли ерлар яроқсиз ҳолга келтирилди. Ҳар йили сайёраимизда шўр босиш, чўлга айланиш, емирилиш оқибатида 5-7 миллион гектар ер майдони камаймоқда. Ҳозир Ер шарида эрозияга учраган, қайта шўрланган ва ботқоқлашган, қум босган, санот ва қарьерлардан чиқариб ташланган чикиндилар билан қопланган ва бошқа ерлар майдони 4,5-5 миллион кв. километр ерни ишғол қилган.

Инсониятнинг ҳозирги кундаги яна бир катта муаммоларидан бири бу чикиндилардир. Санот ривожланиши, аҳоли сонининг кўпайиши техник ва маънавий чикиндилар ҳажмини орттирмоқда. Маълум миқдорнинг қайта ишланиши билан бир қаторда чикиндилар очиқ майдонларда ҳам тўпланиб қолган. Ҳозир ер шарида суткасига киши жон бошига 27 тонна минерал хом ашё қазиб олинади ва ундан умумий ҳажмининг 2 фоизини миқдориди руда ажратиб олинади, қолган қисми яъни 96 фоизни чикинди тарихида атрофдаги қишлоқ ҳўжалиги учун яроқли ерларга ташланади. Очиқ қарьер усулида кўмир ва бошқа қазилмалар қазиб олиш натижасида майдондаги ерлар бузилади. Бу кўрсаткич ландшафтнинг ўзгаришига, табиий муҳит бузилишига олиб келган.

Шу ўринда кишининг ҳаёлига бир нарсга келади, нима учун қилаётган ишимизнинг салбий оқибатларини пешонамиз деворга бориб текканидан кейин биламиз, нима учун «кетини ўйламай қилинган иш салбий оқибатларга олиб келиши мумкин?» деган ўта маъноли ва фойдали гапни эсдан чиқаришга ҳаракат қиламиз. Ахир бу нарсалар инсон фаолияти яъни инженерлик фаолияти оқибати эмасми. Назаримда бу — ўз авлодлари учун чоқ қазиб билан баравар. **Шерзод ШАРИПОВ, Сирожиiddин ЖАВЛИЕВ.**

Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг «Ҳамшаҳарлар», «Менинг маҳаллам» кўрсатувларини севиб томоша қилмайдиган ҳамшаҳаримиз топилаб кетди.

Ҳамкасбларимиз

**ҚАЛБ
АРДОҒИМИЗДАГИ
КЎРСАТУВЛАР**

Кунни кеча Сергели маданият ва истироҳат боғида карнай-сурнай садолари янграб, барчани ушбу кўрсатувлар ташкил топганининг 15 йиллик тўйига чорла-

шаҳарлар», «Менинг маҳаллам» кўрсатувларининг жонкуяр бошловчиси ва муаллифи Шавкат Азизов. — Йўл қўйган айрим хатоларимиздан тўғри хулосалар чиқариб, янада яхшироқ кўрсатувлар тайёрлашга, элимизнинг дарди-қувончини кўрсата олишга ҳаракат қилдик. Меҳр ва мурувват йилида



ди. Боғ ҳақиқий тўйхонага айланиб кетди.

Мезонларни элимизнинг таниқли санъаткорлари, журналистлари, шаҳар ва туман ҳокимлиги вакиллари, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзолари, каттаю кичик қўлади. 15 йил давомида элимизнинг ардоқли инсонлари, кекса ва нуруний отахону онахонлари, маҳаллалардаги ибратли ва хайрли юмушларни кўрсатиб, халқимиз орасида муносиб обрў-эътиборга, ўз ўрнига эга бўлишга улгурган кўрсатув ижодкорларининг заҳматли, масъулиятли юмушларида яна бир бор омадлар тилашди. Эл хизматидан асло чарчамасликларига тилак билдиришди.

— Ўтган йиллар биз учун катта сабоқ бўлди, — дейди биз билан сўхбатда «Ҳам-



давлатимиз, корхона ва ташкилотлар, қолаверса, саҳийқалб инсонлар томонидан кўрсатилаётган эътибор, ғамхўрлик, моддий ва маънавий ёрдам, бўлиб ўлаётган учрашув ва тadbирларни кўпроқ бериб боришга ҳаракат қилмоқдамиз. Ўзимиз ҳам ходимларимиз билан шаҳар «Нуруний», «Маҳалла», жамғармалари, «Камолот» ЁИҲи билан ҳамкорликда йигирмалдан ортик хонадонларда бўлиб имкон қадар моддий ва маънавий ёрдам кўрсатдик.



Куй қўшиққа уланган даврада тadbир қатнашчилари мазза қилиб яйрадилар, болажонлар аттракционларда учиб қувнадилар. Бир сўз билан айтганда дил сўзларидан кўнгил яйради, эртанги кунга яна ҳам залворли, яна ҳам масъулиятли қадамлар ташланишига кўмак бўлди.

Юртимизда юз бераётган улкан ўзгаришлар, тинч бунёдкорлик юмушлари, меҳнат завқидан баҳра олаётган ҳар бир юртдошимизни экранга олиб чиқишда туғанмас куч-қувват ва омадлар тилаб қоламиз, азиз ҳамкасблар.

**Шаҳризода МУҲСИМОВА
СУРАТЛАРДА:** Сергели туман маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган тadbирдан лавҳалар.

Ҳакимжон Солихов олган суратлар.



ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!!!

Ҳамза Қурилиш касб-ҳунар коллежи
2004-2005 ўқув йилига

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Кундузги бўлимга 9-синф ҳажмида
қуйидаги йўналишлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

1. Қурилиш-пардозлаш ишлари устаси ва қурилиш дурдгори.
2. Ёғочга ишлов бериш ва мебеллар ишлаб чиқариш бўйича уста.
3. Тикув буюмларини ишлаб чиқариш ва моделлаштириш бўйича технолог.
4. Сув таъминоти ва канализация тизимларини ўрнатиш ва таъмирлаш бўйича механик.
5. Электрон ҳисоблаш машиналари ва компьютер тармоқларини ишлатиш бўйича мутахассис.
6. Бухгалтер — аудитор.
7. Газ таъминоти тизими жиҳозларини йиғиш ва таъмирлаш бўйича механик.
8. Автомобиль воситаларига техникавий хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича механик.
9. Иш юритиш ва архив иши бўйича мутахассис.
10. Менежмент.

**Ўқишга кирувчилар қуйидаги
ҳужжатларни тақдим этадилар:**

1. Директор номига арıza
2. Маълумоти ҳақида гувоҳнома (асли)
3. Тиббий маълумотнома (086шакл)
4. Туғилганлик тўғрисида гувоҳнома (нусхаси)
5. Турар жойдан маълумотнома
6. 6 дона фотосурат (3x4)

Бизнинг манзил:
Слонима кўчаси, 113-уй. Автобуслар: 15, 23, 54, 26, 61, 106
«Иzzат» бекати. Тел: 94-42-32.

“ИШЛАБ ТОП!”

Жаноб тadbиркорлар ва
муҳтарам корхона раҳбарлари!

Биз навқирон, истиқбол, ғайратга тўла ёшларимиз. Бизга фақат Сизнинг тажриба ва қўмағингиз еттишмайпти. Ғайрат ва тadbирдан бираддириши вақти келди. Чунки бу — муваффақиятга олиб борувчи энг яқинда йўл.



Тошкент шаҳар “КАМОЛОТ” и тadbиркорларга “Ишлаб топ” ижтимоий акциясида фаол иштирок этиб, ёшлар учун мавсумий иш ўринларини тақдим этишини таклиф қилади.
Қўшимча маълумотларни

137-72-20, 137-72-21

телефон рақамлари орқали олоқа марказидан олишингиз мумкин. Ёки ушбу вебсайтлардан акция ҳақидаги ахборотга эга бўлишингиз мумкин:

www.tashkentkamolot.uz
www.2oxygen.com
www.kvn.uz

Акцияда қатнашган тadbиркорларга “Тасвир” нашриёт уйининг барча нашрларида реклама жойлаштириш учун имтиёзлар берилди.

Спорт

АВСТРИЯДАН МЕДАЛЛАР ШОДАСИ БИЛАН

Европа марказида жойлашган Австрия давлатида сузиш бўйича ўсмирлар ўртасида «Speedo Meeting» номи йирик халқаро мусобақа бўлиб ўтди.

22 мамлакат ёш сузувчилари иштирок этган нуфузли турнирда юртимиз спортчилари ҳам улкан зафар кучишди. Жумладан, Данил Бугаков битта олтин, иккита бронза нишонлари ва махсус Кубок билан тақдирлангани ҳолда жамоамиз муваффақиятига катта ҳисса қўшди.

Лазиз Исоев олтин ва бронза нишонларини кўлга киритган бўлса, Сергей Паньков, Шохруҳ Юнусов ҳам ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан ўрин эгаллашга муваффақ бўлишди.

Бундан ташқари Мария Бугакова иккита кумуш, Саловат Ахметов кумуш, Никита Поляков эса бронза нишонлари соҳиблари бўлишди. Шунингдек, 4 киши 50 метрдан аралаш эстафетали сузиш баҳсида Д.Бугаков, Н.Поляков, М.Бугакова ва О.Гнедовскаялар ҳам кумуш медалларни кўлга киритишди.

ГАЛАБА ҚОЗОНИШЛАРИГА ИШОНАМИЗ

Маълумки, бугун Тошкентдаги «Пахтакор» Марказий стадионида 2006 йилги жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг Ўзбекистон ва Фаластин терма жамоалари иштирокидаги учрашуви бўлиб ўтди.

Кеча «Бунёдкор» ёшлар телеклубида шу муносабат билан ҳар иккала терма жамоа бош мураббийлари Альфред Ридл ва Равшан Ҳайдаров ҳамда спорт журналистлари иштирокида маълумот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда ҳозирги гуруҳда етакчилик қилаётган Фаластин терма жамоаси бош мураббийси Ридл ушбу ўйин гуруҳда ягона йўланма соҳибини аниқлаш борасида муҳим ўрин тутганини таъкидлаган ҳолда, жамоа галаба учун бор куч-маҳоратини сарфлашини айтиб ўтди.

Уз навбатида Равшан Ҳайдаров ҳам Фаластин терма жамоасининг Ироқ билан ўйини батафсил ўрганиб чиқилгани, бинобарин, терма жамоамиз легионерлари ва мамлакатимиз жамоаларида тўп сураётган футболчилар жисмоний тайёргарлиги юқори даражада эканлиги хусусида маълумот бериб, галаба қозониб, муҳлисларни қувонтиражақларини таъкидлади.

Биз ушбу жуда муҳим ўйинда терма жамоамизга омад тилаб қоламиз.

(Ўз мухбиримиз)

Мақдони

ҲАЁТИЙ МУҲАББАТ ТАЛҚИНИ

«Севинч» романтик мелодрамаси гоёси «Кўзгу» студияси раҳбари Қудратилла Файзуллаев томонидан тақлиф қилинган.

«Қор кўйнида лола» бадий фильми билан миллий киносанъатимизга кириб келган уч ёш киноижодкорлар — режиссёр Аюб Шаҳобиддинов, драматург Ёлқин Тўйчиев ва оператор Абдувоҳид Фаниевлар гоёни амалга ошириш ишларини жорий йилнинг 15 февралда бошладилар.

«Севинч» фильмидаги бош ролларни ёш хонандалар Лола, Шахзода, истеъдодли актёр Бобур Йўлдошев ижро этган. Шунингдек, мазкур фильмда Фарход Абдуллаев, Раъно Ярашева, Жамшид Зокиров, Гавҳар Зокирова ва бошқа актёрлар ҳам суратга тушган.

«Севинч» жанрига кўра юқорида таъкидлаганимиздек, романтик мелодрама бўлиб, фильмда инсоний туйғуларнинг ўзига хос томонлари намоён бўлган. Ижодкорлар ҳаётий муҳаббатни ишонарли ва таъсирчан образлар тимсолида талқин қилганлар. Фильм ҳаётимизда рўй бераётган воқеаларни, муҳаббат саргузаштларини маромизга етказиб тасвирлаб берган. Биз фильм тақдиротидан сўнг унинг ижодкорларининг фикрлари ва суратга

олиш жараёни билан қизиқдик.

Аюб Шаҳобиддинов, режиссёр:


— Ҳар бир кино тасмаси жуда қизғин меҳнат ва машаққат билан дунёга келади. Албатта, камчиликларимиз ва ўзимиз илғамаган хатоларимиз бордир, бунинг баҳосини энди томошабин беради. Аммо кино ўйлашимча, ёмон чиқмади, шахсан мен режиссёр сифатида ўз ишимдан қониқдим. Фуркатдан фойдаланиб ушбу кинонинг юзга келишига ёрдамлашган барча ижодкорларга, актёрларга миннатдорчилик билдири қоламан.

ШАХЗОДА:

— Мен жуда ҳаяжонданман. Кинода рол ўйнаётганимдан хурсандман. Ушбу кино давомида мен биронта ҳам қўшиқ айтмадим, фақат ўз ролимни ижро этдим холос. Умид қиламанки фильм томошабинлар меҳрини қозонади ва уни қайта-қайта томоша қиладилар.

Раъно ЯРАШЕВА, актриса:

— Мен кинода Лоланинг онаси ролни ижро этдим. Дастлаб кўшиқчи қиз қандай қилиб роль ўйнай олади



деб ўйлагандим. Аммо Лола ҳам, Шахзода ҳам ўз ролларини маромига етказиб қойилмақом қилиб ижро этишди. Бундан фақат хурсанд бўлиш керак. Ёшлар бизнинг қўлажагимиз. Улар билан фахрлини керак.

Ҳа, мазкур фильмининг ҳақиқий холис баҳосини халқ беради. Биз кино ҳақида тўлиқ маълумот беришни афзал билмадик, чунки уни бориб кўриш ва мағзини чақиб, таҳлил қилиш сиз азиз томошабинларнинг вазифангиз.

10 июндан Республика Киночилар уйида «Севинч» романтик мелодрамасининг намоиши бошланади.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Маълумки, кемирувчилар жуда тез кўпаядиган ҳайвон бўлиб, 1 жуфти 1 йилда 800-1000 тагача насл беради. Улар ҳаёти давомида ҳамма нарсаларни озиқ-овқатларни еб, катта иқтисодий зарар етказишади.

Муваҳхассис оғоҳлантиради

КЕМИРУВЧИЛАРНИ ҚАНДАЙ ЙЎҚОТИШ МУМКИН?

Кемирувчилар яна юқумли касалликларнинг ҳам тарқатувчилари ҳисобланади. Шунинг учун уларга қарши муносабат равишда кураш олиб бориш зарур. Ана шу мақсадларда барча туманларда ҳўжалик ҳисобидида туман дезинфекция станциялари фаолият юритмоқда. Агарда уларга мурожаат этсангиз, муаммоингиз тез ҳал этилади. Ўзингиз ўй шароитида кемирувчилардан қўлмоқчи бўлсангиз, уларнинг кириши мумкин бўлган барча тирқилларни бетон ёки алебастр билан яхшилаб беркитиб ташланг, агарда инлари бўлса, у ерларга ойна синиқларини ташлаб ёки цемент билан яхшилаб беркитиб ташланг. Молларнинг озуқалари, овқат қолдиқларини, шунингдек, қолган ноларни махсус оғзи зич ёпиладиган идишларда сақланг, болаларга чиқиндиларини вақтида бўшатишни буюрлангизда, фақат ахлат қутиларига ташлашларини уқтиринг.

Агар хоналардаги кемирувчиларни йўқ қилмоқчи бўлсангиз, ҳар

хил нотаниш кимсалардан захарли ҳўрақлар олиб йўқотишга уринманг, бу сизнинг ва атрофингиздагиларнинг соғлиғи учун хавфли моддалар бўлиши мумкин.

Кемирувчиларни илоҳи борича қолқонлар ёрдамида йўқ қилишга ҳаракат қилинг, бунинг учун ҳўрак қўйишдан олдин қолқон устини пахта ёғи билан артиб, сўнгра ҳўрак қўйинг, бундай қўйилган қолқонларга кемирувчилар тез тушиши мумкин. Зарур ҳўраларда эса туман дезинфекция станциялари хизматидадан фойдаланинг.

Шаҳримиздаги 9 та туманда тўлиқ ҳўжалик ҳисобидида иш юритувчи дезинфекция станциялари мавжуд бўлиб, улар сизларга юқори сифатли хизмат кўрсатишларига кафолат берамиз.

М.НУРМУҲАМЕДОВА,
Тошкент шаҳар дезинфекция станциясининг профилактик дезинфекция бўлими мудири, олий тоифали шифокор.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

• кенг асортимент • арзон нархлар •

КАНЦТОВАРЛАР ҚОҒОЗ ВА БЛАНКАЛАР
биринчи қўлдан!!!

OFFICE X TRADING
199-42-22, 199-43-33
www.officetrading.com

Маълумот сертификатлашган

• Улғурчи мижозларга Тошкент шаҳри бўйича **БЕЎЎЎ** етказиб бериш •

«01»

ҚУРУҚ ЎТЛАР МАВСУМИ

Ёнғин нима сабабдан содир бўлади? Албатта бепарволик, лоқайдлик, эътиборсизлик — ёнғин чиқишидаги асосий омиллар ҳисобланади. Қўндалик турмушимизда электр симларининг қисқа туташуви, нурчани сигаретанинг ташлаши, болаларнинг телевизор кўриб ўхлаб қолиши оқибатида бундай кўнглисизликлар содир бўлади.

Шу кунга қадар содир этилган ёнғинларни таҳлил қилсак, уларнинг 90 фоизи қичқинди — ахлатлар ва қуриган ўтларнинг ёнғин кетиши натижасидир. Мисолларга мурожаат қиламиз: Миробод туманидаги 90 АТС олдидаги 50 квадрат метр майдонда қичқинди ахлат ва қуриган шох-шаббалар кимингдир сигарета қолдиғи ташлаши оқибатида ёнган, Чилонзор тумани, 12-мавзе, 20-қонадон олдидаги 30-квадрат метр майдонда ҳам ахлат ёнган. Мирзо Улуғбек тумани, 35-ўй олдида болаларнинг шўхлиги оқибатида қуриган шох-шабба ёнғин гаражга ўтиб кетган ва у ердаги «Москвич-412» автоулунинг орқа

ўриндигининг аланга олишига олиб келган.

Назар ташлаган бўлсангиз, сигарета қолдиғи ёки болалар шўхлиги оқибатида қанчадан қанча майдонларда ёнғинлар содир бўлмоқда. Кўпчиликка оддий туюлган бу ёнғинлар, катта офатга айланиши мумкин. Яъни, унинг атрофдаги биноларга ўтиб кетиши катта кўнглисизликларни келтириб чиқаради. Ўз вақтида уларимиз атрофларидаги очиқ майдонлар қуриган ўтлар, шох-шабба ёки маиший қичқиндилардан тозалаб турилса, бундай ёнғинлар содир бўлмаслиги шўбҳасиздир.

Муслима РАҲИМОВА



Сўзсиз сурат.

Абдурасул Ҳақимов чизган расм.

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
4127 нускада босилади. Қўнғи бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кўналари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамагми»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланади.

«Шарқ» нашриёт-маتبобо оқшордорлик компанияси босмамоноки.
Қорхона манзили «Буёқ Турон» кўчаси, 41-ўй.